

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. Tar. 78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ГУЛЧЕХРА ЎСКИНОВНА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА БАХШИЧИЛИК
АНЪАНАЛАРИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ
(XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ- XXI АСР БОШЛАРИ)

07.00.07-Этнография, этнология ва антропология

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Термиз-2022

УЎК: 398.8(575.1) "XIX-XX"

Филсофа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Ахмедова Гулчеҳра Ўскиновна

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бахшичилик анъаналарининг этномаданий
жараёсларга таъсири (XIX асрнинг иккинчи ярми- XXI аср бошлари)5

Ахмедова Гулчеҳра Ўскиновна

Влияние традиций бахши на этнокультурные процессы в южных районах Узбекистана
(вторая половина XIX-начало XXI века)..... 24

Akhmedova Gulchehra Oskinovna

The Influence of Bakhshi Traditions on Ethnocultural Processes in the Southern Regions of
Uzbekistan (second half of the XIX th - early XXI st centuries)..... 44

Эълои қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....49

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. Tar. 78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АҲМЕДОВА ГУЛЧЕҲРА ЎСКИНОВА

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИДА БАҲШИЧИЛИК
АНЪНАЛАРИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ
(XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ- XXI АСР БОШЛАРИ)**

07.00.07-Этнография, этнология ва антропология

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**



Термиз-2022

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В.2020.2.PhD.Таг 690 бюллетенда рўйхатга олинган

Диссертация Термиз давлат университетига бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (рeзюме)) Илмий кенгашнинг веб-сифасида (www.letsu.uz) ҳамда "ZiyoNET" Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар

Турсунов Сайпулла Нартуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, профессор.

Рахмонов Фахриддин Шаймардонович
тарих фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот

Авдижон машинасозлик институти

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/30 12.2019 Таг.78.02 рақамли илмий кенгаш Илмий кенгашнинг 06.04.2022 йил Соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Барқомол Авлод кўчаси, 43 уй. Тел. (99876) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz)

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида таниниш мумкин. (51 -рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Тер ДУ Барқомол Авлод кўчаси, № 43 уй. Тел. (99876) 224-15-82, факс: (376) 221-74-55, 221-71-17 e-mail: termizdu@umail.uz.)

Диссертация автореферат 2022 йил 08 » 03 кунинда тарқатилди
(2022 йил 08 » 03 даги 51 рақамли реестр басномаси)



Р.Э.Холдикова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси уринбосари, т.ф.д, профессор.

Ҳ. Э. Холмўминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.н. доцент

Э.А. Қобилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д. профессор.

КИРИШ(Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси):

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоиди номоддий маданий меросни сақлаш, ўрганиш ва келажак авлодга етказиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда бахшичилик санъати ижодини ўрганиш, Жанубий Ўзбекистон-Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бахшичилик санъатини ЮНЕСКО нинг маънавий-маданий мероси эканлиги, халқ оғзаки ижодининг этнолокал хусусиятларини ўзида ақс эттириши мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Дунёнинг АҚШ, Франция, Германия, Туркия, Япония, Корея давлатлари илмий тадқиқот муассасаларида бахшичилик санъати ва анъаналарининг этномаданий жараёнлари билан боғлиқ қадимий урф-одат ва маросимларининг турли илмий лойиҳалар доирасида олиб борилаётганлиги диққатга сазовордир. 2019 йилнинг 10 апрелида Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивалида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бахшилар нафақат халқ ўтмишининг ақс-садоси, аини пайтда бугунги куннинг ҳам жарангдор овозидир”¹ дея эътироф этди.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ёшларнинг халқ оғзаки ижодиётига бўлган ҳавас ва иштилишларини қўллаб-қувватлаш, дostonларни этнографик жиҳатдан илмий таҳлил этиш, шу асосда устоз-шоғирдлик анъаналарига эътибор берган ҳолда бахшичилик санъатини янада юксалтириш мақсадида бахшиларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, халқ дostonларини тиклаш, замон қаҳрамонларининг қиёфасини яратиш, ёш бахшилар мактаблари республика ва халқаро миқёсда анжуманларини ўтказиш, дostonларда ақс олган халқ анъаналарининг этномаданий жараёнларга таъсирини этнографик йўналишда тадқиқ этиш мавзунинг долзарблигидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда бахшичилик санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қабул қилинган қарориди белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Ушбу дастурни амалга ошириш юзасидан қатор амалий ишлар бажарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида” ги ПҚ-3990-сон, 2019 йил 14 майдаги “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4320-сон, 2021 йил 10 апрелдаги II халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5070-сон қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Халқаро бахшичилик санъати” фестивалига бағишланган тантанавий маросимда сўзлаган нутқи “Халқ сўзи”. 2019йил 11 апрель

метрий-хуқуқий ҳужжатларда² белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий ва инновацион гоёлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек халқи бахшичилигида этномаданий кадриятлар, урф-одат ва маросимларининг жанубий ҳудудларга оид тадқиқотларни тўрт гуруҳга бўлиб ўрганилди: 1. Қадимги ва ўрта асрлардаги манбалар ва ёзма ёдгорликлар 2. Совет даври тадқиқотлари 3. Мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар 4. Хорижлик тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари.

Қадимги ва ўрта асрларда зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”³, сўгдий ёзувлар ва қадимги туркий битиклар⁴, “Алпомиш”⁵ ҳамда Абу Райҳон ал-Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”⁶ асарлари помоддий халқ озгаси ижодини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Совет даврида ўзбек бахшичилик санъатини ўрганиш дostonларни тўплаш ва ўрганишда В.М.Жирмунский⁷, Ҳ.Зарифов⁸, Б.А.Карриев⁹, Т.Мирзаев¹⁰, М.Муродов¹¹ ва Б.САйримсоков¹², шунингдек, совет даврида ўзбек халқ дostonлари ва бахшичилик санъати анъаналари юзасидан қатор диссертациялар ҳам ҳимоя қилинди. Ушбу тадқиқотлар сарасига А.Қаҳҳоров¹³, ва Н.Қурбонова¹⁴ларнинг диссертацияларини киритиш мумкин.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “II Халқаро бахшичилик санъати” фестивалига бағишланган таънавали маросимда сўзлаган нутқи. Халқ сўзи 2021 й 17 сентябрь.

³ Авесто. Яшт китоби. Худо Ахура Mazda ва у яратган маъбудалар шайига айтилган алқовлар. М.Исҳоқов таржумаси-Тошкент Шарқ, 2001

⁴ Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. 2-нашр. -Тошкент: Ўқитувчи, 2001.

⁵ “Алпомиш” Ф.Йулдош ўғли варианты. -Т., “Шарқ”, 1998

⁶ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. -Т., “Фан”, 1968

⁷ В.М.Жирмунский. Ҳ.Т.Зарифов. Ўзбекский народный героический эпос. - Москва: 1947; Ўша муаллиф. Вопросы генезиса и истории эпического сказания об Алпамыше. - сб « Об эпосе Алпамыше» . -Т., 1959. Ўша муаллиф. Народный героический эпос. - Москва. -Л. Гослитиздат, 1962. Ўша муаллиф. Книга моего деда Коркуда. - Москва.-Л., 1962; Сказание об Алпамыше и богатырская сказка. -Москва. “Восточный литературы”, 1964. Ўша муаллиф. Среднеазиатский народные сказители. - Москва: “Наука”, 1964. Ўша муаллиф. Тюркский героический эпос. Л « Наука», 1974

⁸ Зарифов Ҳ. 1916 йил миллий озолиқ кўзгоналрининг ўзбек фольклорида акс этиши. “Шарқ юдузи”, 1946. № 7-8. Ўша муаллиф. К изучению узбекского народного эпоса. Вопросы изучения эпоса народов СССР. - Москва 1958

⁹ Карриев Б.А. Эпические сказания в Кер-оглы у тюркоязычных народов. - Москва. « Наука», 1968

¹⁰ Мирзаев Т. “Алпомиш” дostonининг ўзбек вариантлари. Тошкент “Фан”, 1968. Ўша муаллиф. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. Тошкент: “Фан”, 1979

¹¹ Муродов М. Ижод дурдоналарини излаб. - Тошкент. “Фан”, 1967. Ўша муаллиф. Сарчанимадан томчилар. - Тошкент, 1984; Ўша муаллиф. Эпос «Гор-оглы» - сакровишница души и чаяний народов. - Тошкент, 1990

¹² Сайримсоков Б. Ўзбек маросим фольклори. - Тошкент. “Фан”, 1986

¹³ Қаҳҳоров А. “Келинбой” туркуми дostonларининг ўзига хос хусусиятлари. Филол. фанлари номз. дисс. - Тошкент, 1972. Ўша муаллиф. Янги дostonлар. (Қашқадар ва Сурхондар халқ бахшилари репертуарлари асосиди). - Тошкент. “Фан”, 1985

¹⁴ Қурбонова Н. Ўзбек болалар маросим фольклори. Филол фанлари номз дисс. авторсф. 1. - Тошкент, 1984

Ушбу тадқиқотлар асосан адабиётшунослик доирасида амалга оширилганлиги билан фарқланиб, уларда ўзбек халқ дostonларининг сюжети, бадиий характери очиб берилган. Аммо шунга қарамадан ушбу тадқиқотлардан биз ўрганаётган мавзу билан боғлиқ кўплаб маълумотлар олинган мумкин.

Совет ҳукумати даврида ўзбек бахшичилик мактаблари фаолияти ҳам анча тадқиқ қилинди. Жумладан, XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб халқ оғзаки ижодини тўллаш, чоп қилиш улар устида тадқиқотлар олиб борилган юзасидан маълум экспедициялар уюштирилди. Жумладан, таниқли фольклоршунос олим Ҳ.Зарифов, Қашқадарёнинг Чирокчи ва Китоб Сурхондарёнинг Бойсуи туманида яшовчи бахшиларнинг ижод намуналарини ёзиб олди¹⁵. Ҳ.Зарифовнинг тадқиқотларининг муҳим жиҳати шундаки унда минтақада бахшичилик мактабларининг пайдо бўлиши, репертуари, локал хусусиятлари очиб берилган¹⁶.

Шунингдек, Марказий Осиё халқлари дostonларининг айрим этнографик жиҳатлари Ж.Хошаниязовнинг тадқиқотида “Алломиш” дostonининг қорақалпоқ вариантыга тўхталиб, ўзбек ва қорақалпоқ вариантыдаги “Алломиш” дostonларини қиёсий таҳлил қилиб, ушбу вариантларнинг тарихий хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган¹⁷.

Бундан ташқари И.Молдабосов¹⁸ ва Р.Қидирбаева¹⁹ларнинг тадқиқотларида “Алломиш” ва “Манас” дostonлари қиёсий таҳлил этилиб туркий халқларнинг этномаданий алоқаларига оид лавҳалар берилган. Совет шарқшунос фольклоршуносларидан К.Чистовнинг асарларида миллий фольклор билан боғлиқ этнографик хусусиятлар жумладан, оила-никоҳ масалалари, ижтимоий муносабатлар, оилавий маросим ва урф-одатлар тадқиқ қилинган. Шунингдек, дostonларда халқ турмуш тарзи билан боғлиқ маросимлар типологияси ҳам келтириб ўтилган²⁰. Бундан ташқари А.Решетовнинг тадқиқотларида ҳам халқ оғзаки ижоди материаллари асосида оила-никоҳ муносабатлари этнографик тадқиқот доирасида таҳлил этилган²¹.

О.Қаюмовнинг тадқиқотида эса Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ҳамда Озарбайжон халқларининг бахшичилик санъати анъаналари, дostonларининг хусусиятлари, ўзаро алоқадорлик жиҳатлари қисман тадқиқ этилган²². Ўзбек миллий фольклор намуналарини тадқиқ этишга бағишланган “Ўзбек халқ

¹⁵ В. М. Жирмунский. . Х. Т. Зарифов. Узбекский народный героический эпос. – Москва: 1947.

¹⁶ Ўша муаллиф. К изучению узбекского народного эпоса. Вопросы изучения эпоса народов СССР. – Москва 1958

¹⁷ Хошаниязов Ж. Историко-фольклорная характеристика каракалпакской версии эпоса «Алпамыш». Нукус, 1978.

¹⁸ Молдабосов И. Отражение этнических связей киргизов в эпосе «Манас». – Фрунзе: «Илим», 1983; Ўша муаллиф. Эпос «Манас» как источник изучения духовной культуры киргизского народа. – Фрунзе: «Илим», 1989.

¹⁹ Қидирбаева Р. Генезис эпоса «Манас». – Фрунзе «Илим», 1980; Ўша муаллиф. Варианты эпоса «Манас» – Фрунзе. «Илим», 1988.

²⁰ Чистов К. В. Фольклор и этнография. “СЗ” Москва, 1968, №5

²¹ Решетов А. М. Об использовании данных фольклора для изучения ранних форм семейно-брачных отношений. – Ленинград: «Наука», 1970

²² Қаюмов О. Чет эл адабиети тарихи. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1973

огзаки ижоди бўйича тадқиқотлар тўпламининг 7-жилдида, халқ огзаки ижодининг илк шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, дostonчилик анъаналари таҳлил этилган²³. Таниқли фольклоршунослар М.Муродов²⁴ ва Қаҳҳоровлар²⁵ томонидан олиб борилган фольклоршунослик экспедицияси асосида тўпланган маълумотларга таяниб Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод воҳаларида давом этиб келаётган Шаҳрисабз, Қамай ва Шеробод дostonчилиги анъаналари алоҳида дostonчилик мактаблари сифатида аниқлаб ўрганилган.

У.Жуманазаровнинг тадқиқотларида эса ўзбек фольклорининг тарихий воқелик билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил этилган. Хусусан, халқ дostonларида тарихий воқеа ҳодисаларнинг ифодаланиши, тарихий эпос масаласи, тарихий дostonларнинг типологияси қадимги туркий халқлар тарихига доир ривоятлар этнонимик билимларнинг моҳиятига тўхталиб ўтилган²⁶. Қашқадарё ва Сурхондарё бахшичилик санъатининг йирик тадқиқотчиси А.Эргашевнинг илмий тадқиқотлари ҳам биз ўрганаётган мавзуга бевосита алоқадорлиги билан алоҳида ажралиб туради²⁷.

Бироқ юқорида зикр қилинган илмий адабиётлар фольклоршунослик нуқтан назардан амалга оширилган тадқиқотлар саналади. Шу боисдан ҳам ушбу адабиётларда халқ дostonларининг сюжети, бадиий хусусиятлари, воқеалар ривож, баён қилиниши устуворлик қилади. Айрим адабиётларда эса дoston ёзиб олинган бахшилар ҳаёти ва фаолиятига қисқача изоҳ берилган. Аммо Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида юз берган этномаданий жараёнларга бахшичилик санъатининг таъсири билан боғлиқ жиҳатлар алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шу боисдан ҳам мазкур илмий адабиётлардан тадқиқотнинг айрим жиҳатларини ёритишда фойдаланилди.

Учинчи гуруҳга онд тадқиқотлар мустақиллик йилларида яратилган илмий адабиётлар бўлиб. Ўзбекистонда миллий маданий ва маънавий меросга ўтиборнинг кучайиши ҳамда “Алломиш” дostonининг 1000 йиллиги шунингдек, халқаро бахшичилик санъати фестивалларини ўтказилиши муносабати билан яратилган илмий адабиётлар қиради. Жумладан: Т.Мирзаев²⁸, Б.САйримсоқов²⁹, М.Муродов³⁰, М.Жўраев³¹, О.Мадаев³², Ж.Эшонқул³³, Ш.Турдимов³⁴, А.Эргашев³⁵, С.Давлатов³⁶, А.Абдурахмонов³⁷

²³ Ўзбек фольклорларининг эпик жанрлари. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. – Тошкент: “Фан”, 1981.

²⁴ Муродов М. Сарчашмадан томчилар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1984

²⁵ Қаҳҳоров А. Янги дostonлар. – Тошкент: “Фан”, 1985

²⁶ Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Тошкент: “Фан”, 1991.

²⁷ Эргашев А. Шеробод дostonчилиги мактаби. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1991.

²⁸ Мирзаев Т. “Алломиш” дostonи, унинг версия ва вариантлари (“Алломиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси) – Тошкент: “Фан”, 1999. Ўша муаллиф. Эпос и сказатель. – Тошкент: “Фан”, 2008. Ўша муаллиф. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Тошкент, 2013.

²⁹ Саримсоқов Б. “Алломиш” эпоси ҳақида уч эпюд (“Алломиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси). – Тошкент: “Фан”, 1999.

³⁰ Муродов М., Эргашев А. Алломишнома. 1-китоб. Сурхондарё талқини. – Тошкент: “Меҳнат”, 1991; Ўша муаллиф. Фольклор ва этнография. – Тошкент, 2006

³¹ Жўраев М. “Келин тушли” маросими. – Тошкент: “Республика халқ ижодияти маркази”, 2002.

³² Мадаев О. Алломиш билан суҳбат. – Тошкент: “Маънавият”, 1999

³³ Эшонқул Ж. “Алломиш” дostonи ва “Дала Қуркут китоби” даги тутқунлик мотивининг қиссий таҳлили. – Тошкент: “Фан”, 1999. Ўша муаллиф. Фольклор образ ва талқин. – Қарши: “Насаф”, 1999

хамда Ф.Нурмапов³⁸ларнинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу тадқиқотлар халқ достонларининг мотивлари, сюжети, жанрлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, юқорида зикр этилган адабиётларда халқ достонларидаги этнографик лавҳалар ҳам кўп ўринларда келтириб ўтилган бўлсада бахшичилик санъатининг этномаданий жараёнларга таъсири алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. 1999-йил 6 ноябрда "Алломиш" достонининг 1000 йиллиги муносабати билан "Алломиш" достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти" мавзусидаги ўтказилган халқаро конференция материалларида И.Жабборов, Т.Есбергенов, Б.Ўринбоев, Ҳ.Кичкилов ва Т.Пардаевларнинг мақолаларида ҳам фольклоршунослик ва этнография билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилган³⁹. Бирок ушбу материаллар ўрганилаётган мавзунинг айрим жиҳатларини таҳлил қилган бўлиб, бахшичилик санъати билан боғлиқ этномаданий жараёнлар алоҳида тадқиқ этилмаган.

Мустақиллик йилларида Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларининг этнографияси юзасидан катор илмий адабиётлар ҳам нашр этилди. Жумладан, С.Турсунов⁴⁰, О.Бўриев⁴¹, Т.Пардаев⁴², А.Қурбонов⁴³, Н.Турсунов⁴⁴, К.Панжиев⁴⁵, Б.Ҳамроқулова⁴⁶, Л.Худойқулова⁴⁷ ва Р.Абдуллаев⁴⁸нинг

³⁸ Турдимов Ш. Аллпик тизими ҳақидаги тасаввурлар ва "Алломиш" достони ("Алломиш"-ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси) – Тошкент: "Фан", 1999; Ўша муаллиф "Гурўғли" достонининг генезиси ва тадрижий боёқлари – Тошкент: "Фан", 2011

³⁹ Эргашев А., Омонова Г. Достонларда айрим урф-одатлар ва миллий кадриятлар Қарши "Насаф", 2000. Ўша муаллиф Қашқадарё-Сурхондарё достончилиги – Тошкент "Фан", 2008

⁴⁰ Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори: Филвал фан номзоди дисс. автореферати. – Тошкент, 1996.

⁴¹ Абдураҳмонов А. Туркий адабиётининг қадимги даври (Энг қадимдан исломгача бўлган давр). – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2005.

⁴² Нурманов Ф. Хўёр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридagi талқини. Фил фан номзоди дисс автореферати. – Тошкент, 2007.

⁴³ "Алломиш" достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти мавзусидаги халқаро конференция материаллари – Тошкент "Фан", 1999.

⁴⁴ Турсунов С., Пардаев Т., Қурбонов А., Турсунов Н. Ўзбекистон тарихи ва маданияти (Сурхондарё этнографияси) – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006; Турсунов С., Пардаев Т., Муртозоев Б. Сурхондарё – тарих қўлусида – Тошкент "Шарқ", 2001; Турсунов С., Пардаев Т. Сурхондарё-этнографик макон – Тошкент, 2010; Турсунов С., Пардаев Т., Турсунов А. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида номоддий маданият тарихи – Тошкент "Мухаррир", 2012; Турсунов С., Пардаев Т., Турсунова Н., Муртозоев Б. Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва таракқиёти тарихи – Тошкент "Tafakkur", 2015; Турсунов С., Рашидов К. Бойсун – Тошкент: "Академик нашр", 2011

⁴⁵ Бўриев О., Очилов А. Қашқадарё воҳаси этномаданий кадриятлари – Тошкент "Yangi nashr", 2014

⁴⁶ Пардаев Т. Этнологидан ўқув методик қўлланма – Тошкент, 1999; Ўша муаллиф. Шеробод восточчилик мактабида устоз-шогирдалик аъёнчалари – Терчиш, 2002

⁴⁷ Қурбонов А. Шимоллий Сурхон воҳаси аҳолисининг этник ва локал жиҳатлари – Тошкент: "Yangi nashr", 2010

⁴⁸ Турсунов Н. Этнические особенности населения Южносурханского оайси (конец XIX – начало XX вв). Автореф дисс канд истор наук – Тошкент, 2007

⁴⁹ Панжиев К. Сурхондарё вилояти халқ кўйиқчилик ижодиёти Санъатшунослик фанлари номз дисс автореф – Тошкент, 2010

⁵⁰ Ҳамроқулова Б. Сурхондарё воҳаси аҳолисининг гўдак парвариши билан боғлиқ аъёнвий урф-одатлари. Замонавий бадий маданиятда фольклор ва халқ ижодиёти – Бойсун, 2002

⁵¹ Худойқулова Л. Сурхон воҳасида бола туғилиши ва бешиқ даври маросимлари фольклори, Ўзбек фольклоршунослиги масалалари 1-китоб – Тошкент, 2006; Ўзбек маросим фольклорини ўрганшнинг янгида тамойиллари. Республика илмий анжумани мақоталари. – Навоий, 2007; Сурхон воҳаси суинат тўйи маросими фольклорининг ўзига хос хусусиятлари. Илим сарчашмалари – Урганч, 2008

⁵² Абдуллаев Р. Обряды и обрядовый фольклор. История и традиционная культура Байсуна – Тошкент, 2005

тадқиқотларида ҳам бахшичилик санъати билан боғлиқ айрим жиҳатлар ўрганилган бўлса-да, бахшичилик санъатининг этномаданий жараёнларга таъсири алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Масаланинг ана шу жиҳатини инобатга олган ҳолда қайд этиш жоизки Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари бахшичилик анъаналарининг этномаданий жараёнларга таъсири алоҳида мустақил тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган.

Тўртинчи гуруҳ адабиётларини хорижий тадқиқотчиларнинг изланишлари ташкил этади. Бахшичилик санъатининг хорижлик тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Бироқ, ушбу асарлар тор доирадаги тадқиқотлар бўлиб ўрганилаётган мавзунинг айрим жиҳатларини ёритганлиги билан характерланади. Жумладан: Г.Вамбери⁴⁹, Н.Чадвич⁵⁰, Х.Поксой⁵¹, С.Федакор⁵², К.Фуад⁵³, Е.Мегин⁵⁴ ва О. Икёш⁵⁵ асарларида келгириб ўтилган. Бироқ, адабиётларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари этномаданий ҳаётида бахшичилик анъаналарининг ўрни тадқиқот қилинмаган.

Мавзу тарихшунослигига ҳулоса ясаб, шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг этномаданий ҳаётида бахшичилик санъати анъаналари алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқот қилинмаган. Мавжуд тадқиқотлар ҳам масаланинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтишган шу сабабдан ҳам ушбу мавзу алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилишини талаб қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг АТД-“Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида моддий ва маънавий маданият” мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида XIX асрнинг иккинчи ярми-XXI аср бошларида бахшичилик санъатининг этномаданий жараёнларга таъсирини этнологик йўналишда ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бахшичилик санъатининг мақдониш босқичларини таҳлил этиш;

Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод воҳалари дostonчилик анъаналарининг маънавий илдизларини тавсифлаш;

Бахшичилик санъати мактабларининг ҳар иккала воҳа аҳолисининг маънавий ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш;

⁴⁹ Vambery G. Sketches of Central Asia - London, 1868

⁵⁰ Chadwick N. Oral Epic of Central Asia - London, 1969

⁵¹ Poksoy H. Alpamysh. Central Asian Identity under Russian Rule. USA AACAR 1989

⁵² Fedakai S. The epic of Alpamysh and the book of Dede Korkut 1999

⁵³ Fuad K. Turk Edebiyatı Tarihi - Ankara Akcağ 2003

⁵⁴ Mehin E. Turk dünyasında Koroglu - Ankara Akcağ 2004

⁵⁵ Икёш О. “Алпамыш” ва “Жумоғи” дostonларининг қиссий типологияси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати - Тошкент, 2014

Чирокчи, Шахрисабз, Қамай ва Шеробод дostonчилик мактабларининг кадрятлари ва анъаналарини кўрсатиб бериш;

Бахшичилик санъатининг устоз-шогирдлик анъаналари асосида ривож топиб борганлигини таҳлил қилиш;

Қашқадарё ва Сурхондарёдаги бахшичилик мактабларининг юртимизнинг бошқа минтакаларидаги дostonчилик мактабларидан фарқли томонларини асослаш;

Бахши шоирлар репертуаридан ўрин олган этнографик маълумотларни тавсифлаш;

Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод воҳалари бахшичилик анъаналарининг этномаданий ҳаётда тутган ўрнини таҳлил қилиш;

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг бахшичилик санъатида анъанавийлик ва трансформация жараёнлари симбиозини кўрсатиб бериш.

Тадқиқот натижасида олинган хулосалар асосида бахшичилик санъатини ривожлантиришга хизмат қилувчи амалий ва назарий таклиф ва тавсияларни тақдим этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида шаклланган дostonчилик мактабларининг этномаданий ҳаётда тутган ўрни этнологик контекст доирасида ўрганиш белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети XIX асрнинг иккинчи ярми-XXI аср бошларида бахшичилик мактабларининг Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлар аҳолисининг этномаданий ҳаётида тутган ўрнини этнологик тадқиқот асосида кўрсатиб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ҳудудий ёндашув, тарихий-изчиллик, тарихий киёсий, киёсий типологик ҳамда харитографик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Чирокчи, Шахрисабз, Қамай ва Шеробод дostonчилик мактабларининг бир-бирларидан фарқланувчи тарихий-этнографик ҳудудий минтакавий шаклланиш босқичлари далилланган;

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида шаклланган бахшичилик мактаблари репертуаридан жой олган дostonларда уруғ-аймоқчилик, оилавий, хўжалик, маросим, урф-одат ва анъаналар каби этнографик маълумотлар жамланганлиги аниқланган;

“Алломиш” дostonида учрайдиган Жийдали Бойсун, Товканинг кўргони, Ойнақўл, Чилбир чўл, Алломишнинг чоҳи, Бойчиборнинг охури каби топономик номлар, кўнгирот, калмоқ, қорақалпоқ, найман, тотор, жуз, қатагон, нўғай каби этник муносабатлар, “бешиқ кертги”, “қарши куда”, “этақ йиртиш”, “чилла”, “совчилик”, “калин”, дўст тутиниш каби урф-одат ва анъаналарга боғлиқ жараёнлар мавжудлиги далилланган;

бахшичилик мактаблари репертуаридан ўрин олган дostonлар асосида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари аҳолисининг ялоқ кизартар, ит ириллатар каби оилавий, чилла, мезон, юлдуз ўнглаш, янги ой каби таквимий, от, бўри, туя қулти каби мифологик ва қўш ҳайдаш, чўпончилик, чўлик, арқар, даҳмарда,

ҳанар, кашта тикиш, ўрмак каби хўжалик, жаҳр, фол кўрсатиш, суст хотин, бахшига боқтириш, халослаш, суқ, кирна каби анъана ва маросимлари, ок суяк, тиркаш, боболтака, ганош, чиркаш, чиллик, беш тош, олиш каби халқ ўйинлари мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат: Этнология фанида шаклланган назарий ва фалсафий қарашлар асосида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари бахшичилик санъати анъаналарининг этномаданий ҳаётга таъсири билан боғлиқ жиҳатлар этнологик аспектда тадқиқ этилиб, тегишли назарий-услубий жиҳатлар ишлаб чиқилган;

Тадқиқот жараёнида тўпланган маълумотлар тарихий-этнографик материаллар ва ўрганилган мавзу юзасидан қилинган илмий хулосалардан бахшичилик санъатини ривожлантириш билан боғлиқ давлат дастурлари ижросини таъминлаш, вилоятлардаги музейларнинг экспозициясини тўлдириш, фольклор-этнографик халқ дасталарининг репертуарларини мукамаллаштириш, жойларга фольклор экспедициялари уюштиришни ташкил этиш, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида халқ дostonларининг этнографик манба сифатида ўрни юзасидан махсус курслар ўтишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Диссертацияда этнологияда тан олинган ёндашув ва усуллардан фойдаланилганлиги, кўплаб тарихий, этнографик ва фольклоршунослик адабиётларга илмий ёндашилганлиги, дала этнографик экспедициялар асосида бахши шоирлардан ёзиб олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг аминётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XIX асрнинг иккинчи ярми-XXI аср бошларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бахшичилик санъатининг этномаданий жараёнларга таъсирини тадқиқ этиш орқали тўпланган материаллар, минтақа аҳолисининг этник таркиби, маросим ва удумлар билан боғлиқ маълумотлар, дала этнографик экспедициялари асосида ахборотчилардан ёзиб олинган маълумотлар тарих, этнография, фольклоршунослик фанлари йўналишларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ўзбек халқи тарихий-маданий меросини асраш, бойитиш, бахшичилик санъатини ривожлантириш билан боғлиқ давлат дастурларининг ижросини таъминлаш, бахшичилик мактабларида факультатив дарслар ташкил этиш, маданиятшунослик, фольклоршунослик, этнофольклоршунослик, музейшунослик ва тарихий ўлкашунослик фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш, шунингдек, тадқиқот мавзусига алоқадор илмий-амалий лойиҳаларни бажаришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида XIX асрнинг иккинчи ярми-XXI аср бошларида

бахшичилик анъаналарининг этномаданий жараёнларга таъсирини ўрганиш юзасидан тўпланган маълумотлар асосида:

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида шаклланган дostonчилик мактаблари атрофида жамланган бахши-шоирлар ва уларнинг репертуарларидан жой олган дostonлар. Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод воҳалари бахшичилик мактаблари анъаналарининг ҳар иккала воҳа аҳолиси маънавиятидаги ўрни, дostonларда акс этган этнографик маълумотлардан фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 16 ноябрдаги 02/08/1454-сон маълумотномаси). Натижалар “Термиз” давлат музей - қўриқхонасининг “Халқ амалий санъати ва этнографияси” бўлимидаги бахшичиликга оид манжуд экспонатларни музейга ташриф буюрувчиларга тушунтиришда, музей йўл кўрсаткичларини янгилашга, телерадио эшитиришлар орқали бахшичилик санъатини тарғиб қилишга хизмат қилган;

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида XIX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошларида бахшичилик анъаналарининг этномаданий жараёнларга таъсирини ўрганиш. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бахшичилик анъаналари билан боғлиқ этнографик маълумотлардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 3 декабрдаги 01-10-1808-сон маълумотномаси). Натижалар ўзбек миллий бахшичилик мактаблари ва дostonчилик анъаналарини асраб-авайлаш, ривожлантириш, кенг тарғиб қилиш, шунингдек ёш авлод қалбига ватанпарварлик, инсонийлик ҳамда маданий ва маънавий меросга ҳурмат туйғуларини кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 11 та жумладан 4 та халқаро конференция ва семинарларда ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш нашр этилган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан асосий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 2 та халқаро, 2 та республика журналларида, 2 та монография ва 11 таси Халқаро ва Республика илмий-амалий конференцияларида мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблиги, максад ва вазифалари, ишнинг даврий чегараси, муаммонинг ўрганилиш даражаси, манбавий асослари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган. Шунингдек, диссертациянинг назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, илмий натижалар ва тадқиқот натижаларининг апробацияси тавсифланган.

Диссертациянинг “Ўзбек халқ бахшичилигининг этнолокал таҳлили ва бахши, дoston тушунчалари ҳамда ижро этиш усуллари” деб номланувчи биринчи бобда ўзбек фольклоршунослигида дostonчиликнинг муҳим жиҳатлари ва бу санъатнинг ўзига хослиги, ривожланиш қонуниятлари таҳлил этилган. “Бахши (бахси, бакси) сўзи лугатларда туркий сўз бўлиб, мураббий ва муаллим маъноларини англатади, умуман, тарбиячи, етакчи, йўлбошчи каби талқинлар ҳам унда мужассам⁵⁶. «Бахши» мўғулча устод, маърифатчи деган маънони англатади. Ўзбеклар орасида бахши яна бир қанча номлар билан аталади. Ўрта Осиёнинг жанубий худудларида юзбоши, созанда, Тожикистоннинг ўзбек-лақайлари орасида соки, Фаргона водийсида сановчи, шунингдек, жиров, жирчи, окин каби номлар билан юритилган. Бундай халқ ижодкорлари бошқа туркий халқлар орасида ҳам мавжуд бўлиб, қозоқларда окин ва жиров, қирғизларда манасчи, мўғулларда тўлчи, ўғулларда узан, дейилади. Тожиқ фольклоршунослигида халқ эпоси ижрочилари гўянда, ҳофиз ва шоир дейилади. Бироқ «Гўрўгли» туркумидаги дostonлар ижروحисили дostonга қиёсан гўрўглисаро, деб ҳам аташади. Йирик ўзбек бахшиларининг номига «шоир» сўзини қўшиб ишлатиш ҳоллари мавжуд⁵⁷.

Қадимги уйгур ёзуви мабдаларда ёзув-чизув ишлари билан шугулланган кишилар бахси, битигчи, катиб деб аталган. Уйгур ёзуви матнлар бизгача шохиди варақ, ўрама қоғоз, дафтгар, китоб, эпиграфик битиклар, тахта, сопол ва металл ашёларидаги ёзувлар шаклида етиб келган. XVI асрда шох саройларида уйгур котиблари ҳам фаолият кўрсатиб келганлар ва улар бахши деб аталган⁵⁸. Йирик тилшунос олим Евгений Дмйтрович Поливановнинг (1891-1938) ёнишича, бахши сўзи асли хитойча бўлиб, унинг хитой тилидаги шакли “rak-si” (хитойчи хитой тилида “бо-ши”) бўлгани ҳолда туркий тилга мўғул тили воситасида ўзлаштирилгандир⁵⁹.

«Дoston» атамаси кенг қамровга эга назм ва насрда ташкил топган катта ҳажмли асар, қахрамонлар силсиласи, воқеалар халқаси узвийлиги ва ўзаро ҳамоҳанг боғланиши билан диққатлидир.

Ўзбек халқ миллий оғзаки ижодида бахши ва дostonнинг этнография билан боғлиқлиги бўлиб, бахши ижодидаги ҳар бир сўз қандай йўналишда баён қилинмасин халқ урф-одатлари, анъаналари ва маросимлари қайси бир соҳани талқин этмасин, у албатта этнологик таҳлиллар билан боғлиқдир. Этнографик тадқиқотлар жараёнида шу нарса маълум бўлдики, дostonлар бахшиларни синовлардан ўтказган, бахши бўлиш ҳам табиий қобилият, ҳам катта меҳнат эвазига бевосита боғлиқ бўлиб, халқни ишонтириш учун сўз ва дўмбира қуввати бир-бирини тўлдирган. Акс ҳолда халқ бахшиси бўлиш илинжида юрганлар даврага қабул қилинмаган.

Воҳада яшаб келаётган туркман халқ оғзаки ижоди ҳақида шунини айтиш мумкинки, дoston жанри ва бу жанрни қуйлаб ижро қиладиган санъат эгалари

⁵⁶ Дрексипорекский словарь. Ленинград Наука, 1969. С. 82.

⁵⁷ Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар 7-китоб. -Т.: Фан, 1981. -Б. 12.

⁵⁸ Шербак А.М. Грамматика староузбекского языка.-Москва. Наука, 1962. -С. 34.

⁵⁹ Поливанов Д.Е. Кўрсатишган асар. -С. 29.

бахшилар эканлигини биламиз. Шу нарсани айтиш мумкинки, воҳадаги туркман бахшиларнинг ижро услублари, уларнинг куйлаётган дostonлари ўзгача услубда янграйди. қўлида дутор (дutar) ушлаб куйлайди ва ўзига хос ижрочилик маҳоратига эга. Ўзбек бахшилари дўмбира жўрлигида дoston куйлашади, бу икки асбобнинг фарқли томони шундаки, дўмбирада овозларни ажратадиган соз пардалари йўқ, дуторда эса аксинча бу ҳолат мавжуд. Воҳада туркман бахшиларининг бу санъатни эгаллашида Туркменистондан маҳаллий халқнинг тўй - ҳашамларига хизматга келиб-кешиб юрган туркман бахшиларининг санъати мактаб вазифасини ўтаган.

Туркий халқлар орасида кенг тарқалган “Алпомиш”нинг қорақалпоқ⁶⁰, қозоқ⁶¹, Олтой версиялари дoston шаклида⁶², Татар ва Бошқирд версиялари эртақ ва ривоят шаклида бизгача етиб келган⁶³. Ўзбеклар “Алпомиш”, Қорақалпоқлар “Алпамис”, Қозоқлар “Алпамис батир”, Олтойликлар “Алип-Манаш”, Қозон татарлари “Алпамша”, Бошқирдлар “Алпамиша ва Барси, хилуу” деб номлаганлар⁶⁴. Ўрта аср ўтуз эпосининг муҳим ёдгорлиги ҳисобланган “Китоби дадам Кўркут” таркибидаги “Бамси Байрак” асари ўзининг сюжети ва композиция қурилиши жиҳатидан “Алпомиш” дostonига яқин туради⁶⁵.

Дoston адабий термин сифатида халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Халқ оғзаки ижодида дoston ўтмиш замонлар тўғрисида қаҳрамонлик идеализацияси кўламидаги ҳикоялар, ривоятлардир⁶⁶. В.М.Жирмунскийнинг фикрича: “Эпос-бу халқнинг қаҳрамонлик идеализацияси кўламининг жонли ўтмишидир. Унинг илмий-тарихий қиймати, айна пайтда жуда катта ижтимоий, маданий-тарбиявий аҳамияти ҳам шундадир”⁶⁷. М.Саидовнинг таъкидлашича, дoston мураккаб санъат асари бўлиб, унинг дoston бўлиши учун адабий матн, мусиқа бўлиши, куйловчи ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган ва соз черта билиши зарур⁶⁸.

Халқ дostonлари дастлаб В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовлар⁶⁹, кейинроқ М.С.Саидовлар⁷⁰ томонидан таснифланган. Буларга: 1.Қаҳрамонлик дostonлари. 2.Жангнома-дostonлар. 3.Тарихий дostonлар. 4.Романтик дostonлар. 5. Китобий дostonлар. Шеробод бахшилари нафакат Сурхон воҳасида, балки кўпини Қашқадарё вилоятининг Қамаш, Дехқонobod туманларида ҳам машҳур бўлишган. Шеробод бахшилари томонидан дўмбира созига кўшиб айтилган «Гулихиромон», «Ойпарча», «Малла савдогар», «Кунтуғмиш», «Гўрўгли», «Ёзи билан Зебо», «Алпомиш» дostonлари аҳоли

⁶⁰ Алпамис, Нукус, 1981.-С.54.

⁶¹ Алпамис-батир. Азия-Ата, 1961.- С.62

⁶² В. М.Жирмунский. Х.Т.Зарифов. Узбекский народный героический эпос. М., 1947 - С.121

⁶³ Об эпосе “Алпамыч, Т., 1959; В.М.Жирмунский. Сказание об Алпамыше и богатырская сказка, М., 1960 - С.27

⁶⁴ “Алпомиш” — узбек халқ қаҳрамонлик эпоси” — Т. 1999 - Б.134

⁶⁵ Хош Ниязов Ж. Қорақалпоқ қаҳрамонлик дастаны “Алпамис” - Нукус, 1992 - Б.42

⁶⁶ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М., ГИХЛ, 1947 - С.-303

⁶⁷ Жирмунский В.М. Народный героический эпос. Л., ГИХЛ, 1962 - С.-195

⁶⁸ Саидов М. Узбек халқ достончилигида бадний маҳорат -Тошкент, 1969. - Б.21

⁶⁹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос -М., ГИХЛ, 1947 - С.-59-60

⁷⁰ Саидов М. Узбек халқ достончилигида бадний маҳорат -Тошкент, 1969, -Б.21

томонидан севиб тингланган⁷¹. X-XI асрларда дostonларни дўмбира жўрлигида айтиладиганлари юзага келган. Дostonнинг бундай намуналари Каспий ва Орол денгизлари бўйларидаги кадимги кўчманчи туркий кабилалар орасида вужудга келган. Элик дostonларни яратувчи ва куйловчи бадиҳагўйлар кўпайиб борган сари устоз-шоғирдлик анъаналари вужудга кела бошлаган. Натижада, XV-XVI асрларда дostonчилик мактаби пайдо бўлди. XVII-XVIII асрлар дoston тараққиётида жиддий кўтарилиш босқичи, XIX-XX асрлар эса унинг энг ривожланган даври ҳисобланади⁷².

Ўзбек дostonчилигида дoston куйлаш анъанаси кадимда уч йўналишда ривожланган. Биринчидан, Булунгур, Кўргон, Нарпай, Шаҳрисабз, Қамай, Шеробод. Шунингдек Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лакай дostonчилик мактабларида дўмбира чертиб якка ҳолда, бўғиз овоз билан ижро этилган. Иккинчидан, Хоразмда тор, дутор, гижжак, гармон, буламон, кўшнайн, доира жўрлигида баъзан якка, баъзан жуфт ҳолда, очик овоз билан куйланган. Учинчидан, Фарғона водийсида дутор жўрлигида очик овозда айтилган.

Дoston ижросида Хоразм усули Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги анъанадан тамомила фарк қилади. Бу ерда дoston ижроси профессионал хонадалик йўлида амалга оширилади. Бахши дoston матнини ёлдиш ижро этади, шу билан бирга дўмбира чертувчи бахшилардан фаркли равишда дostonга йўл-йўлакай ўзгартириш киритишдан ўзларини саклайдилар. Ҳоҳям бахшиларининг овози мумтоз ашула айтувчилар овозидан деярли фарк қилмайди. Дoston мусиқаси ҳам мумтоз санъат усулига асосланган. Аҳмад бахши, Бола бахши, Қодир созчи, Болтавой бахши каби санъаткорлар ижоди Хоразмда нуҳрат тонган эди⁷³.

Диссертациянинг иккинчи боби - “Ўзбек халқ бахшилари ҳаёти ва ижодидаги этномаданий жараёнлар” деб номланиб, унда Жанубий Ўзбекистон бахшичилик мактабининг ўзига хос жиҳатлари ва устоз-шоғирдлик анъаналари таҳлил қилинади.

XIX асрда мавжуд бўлган яна бир элик марказ Шаҳрисабз дostonчилик мактабидир. Бу мактабнинг йирик вакили бўлган Абдулла Нурали ўғлининг (1874-1954 йиллар Китоб тумани, Қайнар қишлоғи) ижоди ва репертуари сакланиб қолинган. Бу мактабга мансуб бахшилар дostonларни шўх, кувнок, кўтаринки руҳда куйлашлари, куйларнинг ёқимлилиги билан ажралиб турадилар⁷⁴. XIX асрда Қамаш тумани Қамай қишлоғи билан боғлиқ дostonчилик мактаби ҳам мавжуд бўлган. Мазкур дostonчилик мактаби Қамаш тумани, Ғузор ва Дехқонобод туманларининг унга туташ ерларида етишган бахшиларни бирлаштирган. XIX асрнинг II ярми - XX аср бошларида Мулла Холназар, Ойназар, Жўра бахши, Тўлак шоир, Шомир, Элмурод кўр деган истеъдодли бахшилар Қамай дostonчилик мактабининг вакиллари

⁷¹ Эргашев А. Шеробод дostonчилик мактаби. -Т.: 1991. -Б. 29.

⁷² Сурхондарё вилояти давлат архиви. И.41-жамағата, 1-руйхат. 3-иш, 72-варак.

⁷³ Ҳоди Зариф. Фозил шоир - машҳур дostonчи / Ўзбек халқ ижоди бўйича талқинотлар. 3-китоб: Фозил шоир - Т: Фан, 1973. -Б 5-32

⁷⁴ Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг элик репертуари. -Т: Фан, 1979.-Б.-46; Ўзбек фольклори. Ҳоди Зариф. -Томскент, 1939. -Б. 368

булишган. Шеробод дostonчилик мактаби Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Тожикистон ва Туркменистон, шимолӣ Афғонистонда етишиб чиққан юзлаб бахшиларни бирлаштирган мактабидир⁷⁵. Шеробод дostonчилик мактабидан Қосимқур бахши, Шерна Бекназар ўғли, Мардонакул Авлиёкул ўғли, Умир Сафар ўғли, Нормурод бахши, Аҳмад бахши, Нурали Боймат ўғли, Мамадрайим бахши, Юсуф Утаган ўғли, Эшқобил бахши, Қодир Раҳим ўғли каби ўнлаб дostonчилар етишиб чиққан. Бунда халқ бахшиси Қодир Раҳимовнинг (1936–1985) хизматлари катта бўлган. Бутунги кунда Хушбoқ Мардонакулов, Шoберди Болтаев, Бoбораҳим Маматмурoдов, Қoра ва Чoри Умировлар, Қaххoр Қoдир ўғли, Абдуназар Поёнов, Шoдмонбахши, Илҳoмбахши, Мухаммадибахши, Сафарбахши, Зулхумoр бахши каби бир қанча бахшилар Шерoбод дostonчилик мактаби аънoналарини давом эттирmoқдалар⁷⁶. Бу мактаб вакилларидаан ёзиб oлинган “Oлтин ковок”, “Малла савдогар”, “Зайидкул”, “Oллоназар Oлчинбек”, “Oйчинoр”, “Шерали”, “Келиной” каби қатор дostonлар Ўзбекистоннинг бошқа жойларида яшаб ўтган бахшилар репертуарида учрамайди⁷⁷.

Сурхондарё воҳаси бахшичилигида учта дostonчилик мактаби, яъни Шерoбод, Бешқoтoн ва Бойсун бахшичилиги марказлари мавжуд. XIX асрнинг ўрталарида Шерoбод туманида яшаб ижод этган Қосим шоир эл oрасида “Қосим бахши”, “Қосим юзбоши” каби номлар билан машҳур бўлган. Қосим шоир бошқа бир ажойиб сўз устаси Шерна бахши билан Шерoбод дostonчилик мактаби аънoналарига асос солган катта устозлар сафида туради. Шерна бахши ёки Шерна юзбоши Шерoбод туманининг Азон кишлoғидан етишиб чиққан бахшилардандир⁷⁸. Шерoбод дostonчилиги мактабининг вакилларидаан яна бири бахши Шотўра юзбоши Бойкул ўғли (1887–1947)дир. Шотўра бахши “Алпомиш” ва “Гўрўғли” туркумига оид қиркка яқин дostonларни куйлаган. Бундан ташқари “Ёдгор”, “Шoдмонбек”, “Савдогар” номли бошқа қатор дostonлар ҳам унинг ижодидан ҳисобланади⁷⁹.

А.Қаххoров Шерoбод дostonчилик мактабига таълуқли XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган Бoбo шоир бахши тўғрисида тaдқиқoт oлиб бoриб, унинг ижодидаги ўзига хoс куйлаш ингичка oвозли усули ҳақида маълумoт берган⁸⁰. Ҳ.Зарифов Шерoбод дostonчилик мактабини изоҳлар экан: “Шерoбод бахшилари дoний равишда oғзаки аънoнаси давом эттириб келганлар, улар ўзларининг репертуарлари ва ижро усуллари жиҳатидан бизга маълум дostonчилар билан умумий томонларига эга. Шу билан бирга уларнинг баъзи бир ўзларига хoс хусусиятлари ҳам мавжуд, репертуарида бошқа ҳудудларда

⁷⁵ Қаххoров А. Янги дostonлар – Тошкент: 1988, Ўз МЭ 2005 10 том – Б 46

⁷⁶ Эргашев А., Халилова Д. «Ёзи ва Зебо» ишқ дostonи. Қарши, 2000, Ўз МЭ, 10 ж. 2005 –Б 46

